Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 26 октябрь, № 222 (7180) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар (кейинги ўринларда ватандошлар деб юритилади) билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ва ҳар томонлама ҳимоя қилишга кўмак бериш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда кўплаб ватандошларимиз иқтисодиётимиз, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани — Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш ҳамда унинг ташқи дунё билан муносабатларини мустаҳкамлашда муносиб ва сезиларли ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Шу билан бирга, ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва долзарблиги ошаётган бир пайтда, улар билан самарали ҳамкорликни олиб бориш ва ислоҳотларни сифат жиҳатидан яхшилашда уларнинг салоҳиятини жалб қилиш борасида қуйидаги қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

давлат органлари ва ташкилотларнинг ватандошлар билан алоқаларни ўрнатишнинг самарадорлиги паст даражада ва қисман эканлиги;

иқтисодий, ижтимоий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий ва бошқа устувор лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишда ватандошларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланмаслик;

ватандошларнинг ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини оммалаштириш билан шуғулланадиган ташкилотларни қўллаб-қувватлаш борасида комплекс ва узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги;

хорижда таълим олаётган Ўзбекистон ёшлари билан ишлашга етарли даражада эътибор берилмаётганлиги, мамлакатга қайтганларидан кейин уларни иш билан таъминлаш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги.

Ватандошлар билан ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли ва мустаҳкам тизимини яратиш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий мақсадлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари, истиқомат қилинаётган давлатнинг қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида хориждаги ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга кўмаклашиш;

ватандошларнинг Ўзбекистон маданий, илмий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилишга, уни жаҳон миқёсида ўрганиш ва оммалаштиришга, истиқомат қилаётган давлатларида ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ўзбекистонда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва унинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли, дўстона муносабатларини қуришга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган ватандошлар ҳамда улар тузган ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

ватандошларнинг Ўзбекистон ҳудудида профессионал, шу жумладан, тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишлари учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратиш;

ватандошларнинг салоҳиятини Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашга жалб қилиш.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИМЁ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Минерал ўғитларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш, кимё саноати корхоналарининг қарздорликларини реструктуризация қилиш юзасидан кўрилган чоралар уларни молиявий соғломлаштиришга ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширишга имкон берди.

Шу билан бирга, кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, инвестициявий жозибадорликнинг пастлиги ва тармоқни ривожлантириш учун ўз маблағларининг етарли эмаслиги хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий қилиш имконини бермаяпти, бунинг оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда минерал ўғитлар улушининг юқорилиги сақланиб қолмоқда.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида жаҳон кимё саноати ривожланишининг тенденцияларини ва республиканинг муҳим хом ашё салоҳиятини ҳисобга олувчи фундаментал илмий база ва замонавий лойиҳа-инжиниринг ишланмалари мавжуд эмас.

Кимё тармоғини янада диверсификация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, етакчи хорижий институтларни жалб қилган ҳолда замонавий илмий ва лойиҳа базасини яратиш, шунингдек, “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида:

1. **Республика кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:**

углеводород хом ашёсини ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида иқтисодиёт тармоқларида ва жаҳон бозорида талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли кимё маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш;

республиканинг минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва фаолият юритаётганларини модернизация қилиш;

кимё саноати корхоналарининг устав капиталида давлат иштирокини қисқартириш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, тармоқ корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш орқали базавий маҳсулотларни қайта ишлашни чуқурлаштириш;

фанни ва соҳавий илмий тадқиқотларни фаол ривожлантириш, шунингдек, биринчи навбатда, углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга қаратилган илғор илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга интеграция қилиш;

лойиҳа-инжиниринг ишлари ва диагностика тадқиқотлари сифатини ошириш, кимё ва кимё технологияларининг барча йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил этиш.

2. 2018 — 2030 йилларда кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни **4,5 баробарга**, шу жумладан, минерал ўғитларни — **2 баробарга** (1,2 миллион тоннадан 2,4 миллион тоннагача), маҳсулотлар экспортини — **4 баробарга** ошириш, шунингдек, органик кимё маҳсулотлари улушини 7 фоиздан 54 фоизгача етказиш орқали тармоқни диверсификация қилишни назарда тутувчи **“Ўзкимёсаноат” АЖ фаолиятида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, базавий маҳсулотларни қайта ишлашни янада чуқурлаштириш, мавжуд активлардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин, унга кўра:

а) **қисқа муддатда** (2018 — 2020 йилларда):

“Аммофос-Максам” АЖда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ҳисобига фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини 20,0 минг тоннага ошириш (100 фоиз соф ҳолда);

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ва ЖАҲОН

Технологиялар — ижобий самаралар ва юксалиш учун имконият демак. Айни шу омил ресурслар чекланган ҳозирги даврда иқтисодий ривожланиш, тўкис ҳаёт учун зарур шароит яратишнинг муҳим шартига айланди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани Ўзбекистон ўз келажагини илғор технологик юксалиш орқали барпо этишда кўраётганига ёрқин мисол.

Тошкентдаги Инҳа университетида 25 октябрь куни бўлиб ўтган рақамли технологиялар соҳасидаги Ўзбекистон — Қозоғистон бизнес форуми шу мақсадларга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда икки мамлакатнинг ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, савдо, иқтисодиёт, интеллектуал мулк, таълим, соғлиқни сақлаш, банк-молия каби соҳаларга ихтисослаштирилган вазирлик ҳамда идоралар, компания ва концернлар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари, етакчи экспертлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси О. Раматов, Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Жумагалиев ва бошқалар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида ҳар томонлама ривожланиб бораётганини таъкидлади. Мазкур тадбир фаол шериклик алоқаларини ахборот ва рақамли технологиялар соҳасида ҳам жадал ривожлантириш имконини беришини қайд этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқлари, давлат бошқаруви тизимига замонавий технологиялар ва “ноу-хау”лар жорий этилиб, кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини кенг жорий этиш ишлари юқори суръатларда давом эттирилмоқда. Ушбу йўналишда дунёда етакчи мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат.

➡2

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ПАРЛАМЕНТ ЭЪТИБОРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар бошлангани, уларни давом эттириш зарурлиги таъкидланиб, соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида мазкур Комиссияни ташкил қилиш таклиф этилган эди.

Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашининг қўшма қарори билан парламент ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия тузилди. У депутатлар ва сенаторлардан иборат таркибда шакллантирилди. Суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли мониторингни олиб бориш, мавжуд муаммоларни, соҳага оид қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, одил судловни амалга оширишга ҳамда суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигини таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганиш мазкур Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Йиғилишда Комиссиянинг жорий йил учун тасдиқланган иш режасида белгиланган вазифалар ҳамда тадбирлар ижросини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар кўриб чиқилди.

➡3

ФИДОЙИЛИК, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Пойтахтимизда Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда тизим ходимлари, фахрийлари, уларнинг оила аъзолари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Анжуман

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, бунёдкорлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувлик барча жабҳада эришаётган ютуқларимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ана шундай муҳитни таъминлашда бошқа соҳалар вакиллари қатори ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Улар Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик билан хизмат қилмоқда, зарур бўлганда, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатмоқда.

➡3

ҚИРҒИЗИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Юртимизда Қирғизистон Республикаси маданияти кунлари ўтказилмоқда.
Шу муносабат билан қўшни республикадан 70 нафардан ортиқ санъат ва маданият намояндалари, рассомлар, киношунослар, журналистлар ташриф буюрди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда.

Сўнгги икки йил давомида давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси, кўплаб масалалар бўйича ҳамфикрлиги, ҳамкорликка интилишининг муштараклиги туфайли барча соҳада муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Биргаликда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, банк-молия, фан-техника, энергетика тармоқларини тараққий эттириш билан бирга, маданият соҳасидаги алоқаларни янада чуқурлаштириш бўйича қатор келишувларга эришилди.

Икки республикада маданият кунларининг анъанавий тарзда ўтказилиши халқларимиз ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик, маданий-маърифий муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

➡2

ҲАММА ИШНИ КОМБАЙН БАЖАРАДИ

“John Deere” корпорациясининг юқори самарали қишлоқ хўжалиги техникалари деҳқонлар ишини енгиллаштиради, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширади, ҳосилни йиғиштириб олиш муддатларини қисқартиради.

Инновация

Мамлакатимизда аграр секторга инновацион технологияларни фаол жалб қилиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ҳажмини кескин ошириш мақсадида соҳада туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мева-сабзавот етиштириш, пиллачилик, балиқчилик, асаларичилик сингари тармоқлар республиканинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Ўз навбатида, ушбу тармоқлардан олинадиган маҳсулотларни ташқи бозорга сотиш орқали юртимиз иқтисодий салоҳияти юксалаётир. Пахтачилик эса, албатта, аграр секторда етакчи ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тан олиб айтиш керакки, пахтачиликда бир йиллик машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш жараёнини тўғри ташкил қилиш ҳаётий аҳамият касб этади. Хом ашё ва унинг асосида ишлаб чиқариладиган пахта толаси, мато, қўйингки, киядиган либосимизнинг сифати ҳам айнан шунга, очилган пахтани ўз вақтида териб олишга боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш йўлидаги ислоҳотлар ушбу соҳага ҳам кириб келди ва бугунги кунда илк натижалари амалда намоён бўлмоқда.

➡4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2018 йил 26 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Қуйидагилар:

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгиланснки:

хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади;

Концепция ва Чора-тадбирлар дастурининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади;

Концепция ва Чора-тадбирлар дастурининг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади;

Концепция ва Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар орқали молиялаштирилади.

Вазирлик ва идоралар раҳбарларига Концепция ва Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни сифатли ҳамда ўз вақтида бажариш ва ҳар чоракда уларни амалга ошириш ҳолати борасидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этиш бўйича шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

3. Концепция ва Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Комиссия ташкил қилинсин ва унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов):

Концепция ва Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳолатини самарали мувофиқлаштиришни, тизимли мониторингини ҳамда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уларнинг бажарилиши бўйича маълумот тақдим этишни таъминласин;

оммавий ахборот воситаларида Концепция ва Чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши тўғрисида аниқ кўрсаткичлар ва натижаларни ифодалаган ҳолда ахборот-таҳлилий шарҳларни тизимли равишда тайёрлаш ва чоп этиш бўйича чоралар кўрсин;

зарур ҳолларда ватандошлар ва уларнинг ташкилотларини Концепция ва Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган долзарб масалаларни муҳокама этишга жалб қилсин;

ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро шартномалар ва бошқа ҳужжатларни имзолаш бўйича чоралар кўрсин, Ўзбекистон Республикасининг жамоат ташкилотлари ҳамда ватандошларнинг хориждаги ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни, улар ўртасидаги алмашинувни рағбатлантирсин ва қўллаб-қувватласин.

5. **Белгиланснки, ватандошлар билан ҳамкорликнинг даражаси ва шаклидан келиб чиқиб, уларга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат томонидан қуйидаги қўллаб-қувватлаш ва рағбат чоралари кўрсатилиши мумкин:**

кириш визаларини, шу жумладан, кўп маротабалик ва узоқ муддатли визаларни соддалаштирилган ҳолда расмийлаштириш, вақтинчалик яшашга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома бериш;

юқори малакали кадрларни Ўзбекистонда зарур бўлган мутахассисликлар бўйича ишга олиш;

ижтимоий ва маиший масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериш;

давлат тасарруфидаги бўш турган объектларни ва ер майдонларини ватандошларга тадбиркорлик, илмий-тадқиқот, маърифий, инновацион ва бошқа дастур ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиб бериш;

ватандошларнинг ўқиши, иши ва бошқа ижтимоий масалаларини тўлиқ (қисман) молиялаштириш;

ватандошлар орасида юқори малакали мутахассисларни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат ташкилотларига раҳбарлик лавозимларига, шунингдек, ушбу ташкилотлар раҳбарларининг консультанти (маслаҳатчиси) сифатида жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган соддалаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш;

ватандошлар — хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти, тарих, кино, маданият, театр санъати, телевидение ва радио йўналишлари бўйича таълим олишлари учун грантлар ажратиш;

ватандошларнинг оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтишини соддалаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган ватандошларни давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан тақдирлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида давлат томонидан кўрсатиладиган бошқа қўллаб-қувватлаш ва рағбат чоралари.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ватандошлар орасида юқори малакали мутахассисларни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат ташкилотларига раҳбарлик ва масъулиятли лавозимларига жалб қилиш борасида зарур чора-тадбирларни мунтазам амалга оширсин ҳамда уларга манфаатдор вазирлик ва идораларга ишга кириш, яқин алоқалар ўрнатиш бўйича тўлиқ ёрдам кўрсатсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ҳамда Концепция ва Чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши ҳолатини ёритиш юзасидан мақолалар ва мавзули дастурларни ташкил этсин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Маҳмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 25 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИМЁ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Навоийазот" АЖда йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол;

"Навоийазот" АЖда йилига 500 минг тонна азот кислотаси;

"Навоийазот" АЖда йилига 660 минг тонна аммиак, 577,5 минг тонна карбамид;

"Фарғонаазот" АЖда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда йилига 7,8 миллион дона замонавий полимер обойлар;

"Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш" инвестициявий лойиҳаси (II босқич) доирасида тоғ-кон мажмуаси лойиҳа ҳажмларида **ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;**

б) кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқаришни ошириш, органик кимё, шу жумладан, полимер маҳсулотлар, синтетик толалар, резинотехника ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган **ўрта ва узоқ муддатларда истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш** (2030 йилгача).

Бунда мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда янги қайта ишлаш қувватларини яратишга қаратилган, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра **4,8 миллиард АҚШ долларига** тенг **29 та инвестициявий лойиҳалар**, асосан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

3. Инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида "Ўзкимёсаноат" АЖ қуйидагиларни таъминласин:

"Фарғонаазот" АЖ ва "Қўқон суперфосфат заводи" АЖни хорижий инвесторларга сотиш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кенгайтириш ва диверсификация қилиш бўйича 2018 йил 30 декабрга қадар ушбу жамиятларнинг активларини мустақил баҳолашни якунлаш;

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини қуриш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун, кейинчалик "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКда комплекс экспертиза қилиш шарти билан, кимё соҳасида тажрибага эга хорижий компания билан истисно тариқасида тўғридан-тўғри музокаралар асосида шартнома тузиш;

Навоий вилоятида фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш комплексини қуриш бўйича 2019 йил август ойига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий ташкилот томонидан фосфорли хом ашё майдонини баҳолаш (экспертизадан ўтказиш) асосида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш концепциясини ишлаб чиқиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ва "Ўзкимёсаноат" АЖ билан биргаликда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш натижаларига кўра, "Йўл харитаси"да кўрсатилган истиқболли инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгиласин.

Бунда кимё соҳасида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва кенгайтириш, янги қайта ишлаш қувватларини яратишга қаратилган янги инвестициявий лойиҳалар, асосан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига амалга оширилиши белгиласин.

5. Халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда тармоқ корхоналарининг инвестициявий жозибадорлигини ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда энергия тежамкорликни ошириш бўйича ишлар амалга оширилаётгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 15 апрелга қадар халқаро консалтинг компанияларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, кимё саноати тизимини ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича таклиф киритсин.

6. **Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Ариповга — "Йўл харитаси"да белгиланган тадбирлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини қатъий назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. С. Султоновга — кимё тармоғи объектларини ўз вақтида ишга туширишни ҳамда "Йўл харитаси"да белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича вазирликлар ва идораларнинг ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Р. Холмуродовга — халқаро молия институтлари ва ташкилотлари маблағларини жалб этиш ҳамда салоҳиятли инвесторларни топиш ва кимё тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

"Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раиси А. А. Абдуллаевга — жалб этиладиган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш ҳамда инвестициявий лойиҳалар доирасида объектлар қурилишининг якунланишини таъминлаш ва уларнинг қатъий белгиланган муддатларда лойиҳа қувватларига чиқиши учун **шахсий жавобгарлик юклансин.**

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Ўзкимёсаноат" АЖнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

"Самарқандкимё" АЖ, "Электркимёзавод" ҚК АЖ ва **"Жиззах пластмасса" АЖ**нинг устав капиталидаги давлат улуши ва "Ўзкимёсаноат" АЖ улушини, шунингдек, **"Фарғонаазот" АЖ**нинг устав капиталидаги давлат улушини, шу жумладан, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан, хусусий инвесторларга бозор қийматида сотиш;

"Ўзкимёсаноатлойиҳа" АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини номинал қийматда ва "Навоий КМК" ДКнинг Қизилқум фосфорит комбинати мулк комплексини қолдиқ баланс қийматида "Ўзкимёсаноат" АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида киритиш;

"Фарғонаазот" АЖнинг 3-сонли саноат майдончасидаги умумий майдони 6,5 гектар бўлган фойдаланилмаётган объектларни (цехлар, объектлар ва уларга туташ ҳудудлари билан) инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан "ноль" қийматида сотиш;

инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан капролактам ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун беғараз топшириш юзасидан патентланган технологияга эга бўлган "ECO TECH GROUP" ҚК МЧЖ билан инвестиция келишувини тузиш;

2020 йилдан бошлаб "Ўзкимёсаноат" АЖ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари томонидан йиллик молиявий ҳисоботларни эълон қилиш ва уларни Халқаро аудит стандартлари ва Халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқлиги юзасидан ташқи аудитдан ўтказиш тартибини жорий этиш;

2021 йилга қадар халқаро тажрибага асосланиб инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини, моддий ва молиявий ресурсларни бошқариш бўйича ахборот тизимларини, самарадорликни ошириш кўрсаткичларини қўллаган ҳолда ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ва қайта молияловчи тижорат банкларига кимё саноатида янги инвестициявий лойиҳаларни тайёрлаш мақсадида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тадқиқот ишларини амалга ошириш учун "Ўзкимёсаноат" АЖ ва унинг таркибига кирувчи хўжалик жамиятларига кредитлар ажратишга рухсат берилсин.

Белгиланснки:

янги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш учун кредитлар Жамғарма томонидан шартномада белгиланган, бироқ 5 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда ажратилади;

хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда молиялаштириладиган янги инвестициявий лойиҳаларни тайёрлаш учун Жамғарма томонидан ажратиладиган кредит миқдори 10 миллион АҚШ доллари эквивалентигача кўпайтирилиши мумкин;

Жамғарма маблағларини ажратишга тармоқ илмий-техника кенгаши билан келишилган техник вазифа, "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКда экспертизадан ўтказилган лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлаш ва тадқиқот ишларини бажариш бўйича тузилган шартнома асос бўлади;

ушбу бандга асосан, Жамғарма кредитларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Жамғарма кредитлари хизмат кўрсатувчи банклар орқали қайта молиялаштирилади ва қайта молияловчи банкнинг йиллик 0,25 фоиз миқдоридаги маржаси қўшилган ҳолда, лойиҳани ишга туширишдаврига қадар, жумладан, 3 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, умумий йиллик фоиз ставкаси 2,25 фоиз миқдорида 5 йил муддатга ажратилади;

кредитлар ва улар бўйича барча харажатлар техник-иқтисодий асос тасдиқланиши жараёнида лойиҳалар қийматига киритилади ва уларнинг қайтарилиши лойиҳалар амалга оширилганидан кейин, объектлар ишга туширилганидан сўнг олинган даромадлар ва лойиҳа ҳужжатларини инвесторларга сотишдан тушган Жамғарма маблағлари ҳамда қарз олувчининг умумхўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ёки "Ўзкимёсаноат" АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. "Ўзкимёсаноат" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг **Корея кимё-технологиялари илмий-тадқиқот институти (KRICT) билан ҳамкорликда** "Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти" МЧЖ ва "Ўзкимёсаноатлойиҳа" АЖ негизида — **Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти — Кимё технологиялари маркази (кейинги ўринларда — Марказ)ни** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Ўзкимёсаноат" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Марказ фаолиятини ташкил қилиш учун EDCF (Корея Республикаси) линияси бўйича Эксимбанкнинг **50 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит ва грант маблағларини жалб этишни таъминласин.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Марказ фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзкимёсаноат" АЖ ва унинг таркибига кирувчи хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улуши бўйича 2019 — 2021 йиллар якунларига кўра ҳисобланадиган дивидендлар инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб этилган кредит ва қарзларни тўлашга йўналтириш шарти билан капитализация қилинсин (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган 30 фоиз миқдоридаги дивидендлар бундан мустасно).

11. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Жамғарма, тижорат банклари ва "Ўзкимёсаноат" АЖнинг "Ўзкимёсаноат" АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарнинг Жамғарма ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредитлари бўйича мажбуриятларини 2-иловага мувофиқ реструктуризация қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзкимёсаноат" АЖ корхоналарининг мажбуриятлари бўйича олдин берилган давлат кафолатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. "Ўзкимёсаноат" АЖ бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. С. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 25 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

1

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунини қабул қилиш ва миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларини изчил амалга ошириш имконини бермоқда.

Форумда меҳмонларга "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ва давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, АКТ соҳасини ривожлантириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Қозоғистонлик мутахассислар давлат ва жамият ҳаётида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, технологиялар ва инфратузилмаларни ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича тажрибалари намойишига бағишланган тақдимотлар ўтказди.

— Бугун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш глобал характер касб этмоқда, — дейди "Samgau" холдинг компанияси савдо директори Ерлан Аҳметов (Қозоғистон). — Форумда мактабгача таълим тизимини ташкил этиш, "ақлли шаҳар"ларда вазиятни таҳлил қилиш марказлари ва савдо соҳасида онлайн касса аппаратлари бўйича ишланмаларимиз билан иштирок этяпмиз. Тадбирда ўзбекистонлик мутахассислар билан тажриба алмашиш имконига эга бўлдик, "ноу-хау"ларни жорий этиш бўйича музокаралар олиб боряпмиз.

Бизнес форуми шуъба мажлисларида "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази аъзолари ва қозоғистонлик дастурий таъминотчилар маърузалар билан иштирок этди. Муҳокамаларда ахборот технологиялари ҳамда коммуникациялари, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва хавфсизлик билан бир қаторда, иқтисодиёт, молия, солиқ, банк ҳамда телекоммуникацион операторлар томонидан тақдим этилаётган долзарб мавзуларга алоҳида ўрин берилди.

Форумда ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерфаол давлат хизматлари сифатини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бирлаштиришга қаратилган қатор шартнома ҳамда меморандумлар имзоланди.

Қозоғистон Республикаси делегацияси шу куни мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

ҚИРҒИЗИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

1

Қирғизистонлик меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

— Тошкент чинакам мегаполисга айланиб бораётганига гувоҳ бўлдик, — дейди рассом Нагима Аламанова. — Бу ерда олдин ҳам бўлганман, аммо тарихий қадамжоларга уйғун тарзда барпо этилаётган замонавий бинолар, боғу хиёбонлар, кўприклар, фавворалар шаҳарга алоҳида чирой бағишлайди. Пойтахтингиз гўзаллиги ҳар қандай ижодкорни ўзига мафтун этиб, санъат асарлари яратишга ундайди.

Маданият кунлари доирасида Тошкент фотосуратлар уйида Қирғизистоннинг бадиий ва амалий санъат усталари кўргазмаси ташкил этилди. "Фотосуратларда Айтматов ҳаёти" деб номланган мазкур тадбирнинг очилишида атоқли адибнинг ибратли ҳаёти, юксак ғоялар тараннум этилган ўлмас асарлари ҳақида сўз борди. Улар ҳар бир инсонни эзгу мақсад асосида яшашга ундаши таъкидланди.

Президентимизнинг 2018 йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ёзувчининг шахсига, ижодий меросига халқимизнинг юксак эҳтироми ифодаси бўлди.

Кўргазмада намойиш этилаётган атоқли адиб, давлат ва жамоат арбобининг ҳаёт йўли, фаолияти, оиласи, дўстлари билан учрашувлари акс этган фотоасарлар томошабинда илиқ таассурот қолдиради.

— Чингиз Айтматов ҳаёт ва ижод йўли нафақат ёш адибларга ибрат мактаби, балки рассомлар учун ҳам илҳом манбаидир, — дейди қирғизистонлик рассом Шерали Сооранбаев. — Жумладан, ёзувчининг "Жамила", "Сарвқомат дилбарим" ва бошқа машҳур асарлари, ундаги образлар, қаҳрамонлар мен каби мўйқалам соҳибларига кўплаб асарлар яратишга туртки бўлган. Бу ерда намойиш этилаётган фото ва тасвирий санъат намуналарига ўзбекистонликларнинг катта қизиқиш билдираётганини кўриб беҳад хурсанд бўлдик. Зеро, маданият, санъат қалбларни туташтириши, уларни эзгуликка чорлаши шубҳасиз.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги кино саройида қирғиз фильмлари намойиши ўтказилмоқда.

Маданият кунларининг тантанали очилиш маросими 25 октябрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида ташкил этилди.

Қирғизистонлик санъаткорлар Самарқанд шаҳрига ҳам ташриф буюради. Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида қардош халқ санъат усталари иштирокида катта концерт намойиш этилади.

Юлдуз ЎРМОНОВА.

ФИДОЙИЛИК, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Соҳа ходимларининг фаолияти халқимиз ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан доимий равишда эътироф этилиб, муносиб тарзда рағбатлантириб келинаётир. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони бунинг ёрқин ифодасидир. Унга биноан, мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида кўп йиллар фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларимизни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун тизим ходимларидан 26 нафари давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Кўксини орден ва медаллар безаган фидойи ходимлардан баъзилари билан суҳбатлашдик.

Уткирбек МУХАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, "Дўстлик" ордени соҳиби:

— Кейинги икки йилда Юртбошимиз ташаббуси билан ички ишлар идоралари тизимида улкан янгиланишлар ҳаётга татбиқ этилди. Айниқса, ички ишлар идораларини халққа яқинлаштириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни жойида ҳал этиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, бунинг учун эса ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Бугун халқ манфаатига хизмат қилиш ҳар бир ходим фаолиятининг асосий мезонига айланган.

Камтарона меҳнатим юксак даражада эътироф этилганидан бошим кўкка етди. Ушбу мукофот зиммамдаги масъулиятни янада оширади. Бундан кейин ҳам юртимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қиладиган етук кадрларни тайёрлаш йўлида бор билимимни аямайман.

Шукурулла МАМАСАДИКОВ,
Андижон вилояти Андижон шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори, "Шуҳрат" медали соҳиби:

— Жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда профилактика тадбирларининг ўрни катта. Шу боисдан юртимизда бунга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яъни мавжуд ички ишлар органлари таянч пунктлари ахборот-коммуникация воситалари билан тўла таъминланди. Аҳоли кўп жойларда янгилари очилди. Профилактика инспекторларига хизмат жойларидан уйлар берилди. Биз хизмат қиладиган ҳудудда ҳам ана шундай янгиланишлар амалга оширилди. Натижалар шунга яраша бўляпти.

Ушбу юксак мукофотни мен билан елкама-елка туриб хизмат қилаётган барча фидойи ҳамкасбларим меҳнатига берилган баҳо, деб биламан. Бундан кейин ҳам биргаликда зиммамиздаги масъулиятли вазифани шараф билан адо этамиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қонун кучга кирди

МУНОСИБ МЕҲНАТ УЧУН ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИГИ ЖАВОБ БЕРАДИ

Яқинда Президентимиз томонидан "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги Қонун имзоланди. Унда нафақат юртимиз меҳнат бозоридаги муносабатлар, балки фуқароларимизнинг чет элларда ҳам кафолатланган меҳнат шароитларида ишлаши эътиборга олинган. Шу билан бирга, бандликка кўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида рақобатдош муҳитни яратиш, норасмий меҳнат миграциясининг олдини олишда хусусий бандлик агентликлари ўрнини кучайтириш белгиланди.

Маълумотларга кўра, бундай агентликлар ҳар йили жаҳон миқёсида бир неча юз миллион кишининг иш билан таъминланишига кўмаклашмоқда.

Қонун мамлакатимизда ана шундай замонавий хизматлар кўрсатадиган тезкор, ишончли ва қулай тармоқлар йўлга қўйилишини кафолатлайди. Давлатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, бандликка кўмаклашиш соҳасига хусусий агентликларни жалб қилиш жараёни ҳуқуқий асосланди. Айниқса, хусусий бандлик агентликлари ходимларни танлаш, шунингдек, талабгорларга бўш иш ўринларини эгаллашга ёрдамлашиш ва меҳнат бозорида бошқа хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига старт берилади.

Хўш, бандлик агентликлари қандай фаолият олиб боради? Аввало, у иш қидираётган шахсларга иш танлаш ва ишга жойлашиш, иш берувчилар учун эса кадрлар танлаш бўйича хизматлар кўрсатади. Соҳага оид ахборот ва маслаҳат бериш ҳам ташкилот ваколатидаги вазифалардандир.

Қонунда, шунингдек, мамлакатдан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш, шунга оид ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиши мумкинлиги ҳам акс этди.

Айтиб ўтиш ўринлики, хусусий бандлик агентлиги давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан тузилиши мумкин эмас.

Хусусий бандлик агентликлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин. У ҳам бошқа юридик шахслар каби таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади.

Республикамиздан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштиришда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда лицензия олиш лозим.

Хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахслар билан ўзаро муносабатлар хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида тартибга солинади. Унга мувофиқ, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги белгиланган. Мисол учун, агентлик шахсларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шартнома талабларига жавоб бермайдиган ишга жойлаштириб, уларнинг норозилигига сабаб бўлса, бунга жавоб беришга мажбур. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захираланган эллик минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ хусусий бандлик агентлигининг айби билан хорижда оғир аҳволга тушиб қолган фуқароларни ўз Ватанига қайтариш мақсадида қўлланилади.

Хусусий бандлик агентликларининг қонуний фаолият юритаётгани тўғрисида маълумотларни аҳолига етказиш мақсадида ягона ахборот базаси, яъни хусусий бандлик агентликларининг реестри ташкил этилмоқда. Мазкур реестр Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Қонуннинг энг муҳим жиҳати шундаки, у аҳолини иш билан таъминлашда рақобат муҳитини шакллантиради. Иш берувчиларга ҳам, иш қидираётган шахсларга ҳам бандликни таъминлаш жараёнида кенг имкониятлар яратади. Шунингдек, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларда жисмоний шахслар ноқонуний фаолиятларининг олдини олиш билан бирга, одам савдоси билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилишида муносиб ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Қолаверса, фуқароларимиз бўш иш ўринлари тўғрисида очиқ ва ҳаққоний маълумотга эга бўлади. Бу эса соҳада коррупция ҳолатларини бартараф этишда муҳим омил ҳисобланади. Айни чоғда мазкур агентликлар фаолияти натижасида Давлат бюджетига муайян солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг келиб тушиши таъминланади. Давлат бюджети ҳисобидан меҳнат органлари фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар миқдори ҳам камаяди.

Умуман айтганда, мазкур Қонун инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш баробарида, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат шароитларида ишлашларини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Гавҳар АЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ПАРЛАМЕНТ ЭЪТИБОРИДА

— Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги суд органлари ходимлари билан учрашувдаги нутқида мамлакатимизда суд тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, бу борадаги камчилик ва муаммолар тўғрисида, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида қимматли фикрлар билдирилган эди, — дейди Комиссия аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Полвонов. — Жумладан, судьялар ўзи фаолият олиб бораётган ҳудудда яшаётган аҳолининг, хусусан, судга иши тушган одамлар, кенг жамоатчиликнинг фикри, албатта, ҳисобга олиниши лозимлиги, бунинг учун суд раислари ўз фаолияти юзасидан маҳаллий Кенгашларда ахборот бериши кераклиги баён қилинганди. Ўтган вақт мобайнида давлатимиз раҳбари илгари сурган фикрлар асосида ишлаб чиқилган тартиб-таомиллар амалдаги қонунчиликда ҳам акс эттирилди. Эндиликда ана шу ислоҳотлар, қонунчиликка киритилган янгиликлар натижасида судлар фаолиятида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир судлар жойларда фақат ишларни кўриш билан чегараланмасдан, аҳоли билан учрашмоқда, суд жараёнлари жойларга чиққан ҳолда сайёр суд мажлисларида кўрилаётир. Суд раислари ўз фаолиятлари юзасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборотлар тақдим этиб бориши қонунларда ўз ифодасини топди.

Парламент қуйи палатасида қатор қонун ҳужжатларига тегишли судлар раисларининг ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан уларнинг ахборотини эшитиш бўйича ўзгартишлар киритилгани муносабати билан бундай ахборотни эшитиш механизмларини назарда тутувчи тавсиявий характерга эга ҳужжат ишлаб чиқилгани айтиб ўтилди.

Комиссия йиғилишида ана шу ҳужжат — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг ахборотларини эшитиш бўйича ишлаб чиқилган Услубий тавсиялар атрофлича муҳокама қилинди.

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасига катта эътибор қаратилаётганини ҳаётий мисоллар орқали яққол кўриб турибмиз, — дейди Комиссия аъзоси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шуҳрат Чўллиев. — Боиси судларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни тўлақонли амалга оширишларига шароит яратиш ушбу соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ёрдам беради. Бунда Комиссиянинг бугунги йиғилиши кун тартибига муҳокама учун киритилган Услубий тавсияларнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади маҳаллий Кенгашлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг тегишли судларнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш фаолиятига доир ахборотини эшитишни сифатли, тартибли ўтказишга кўмаклашишдан иборатдир. Унда суд раисларининг ахборотини эшитишнинг тартиб-таомилларидан тортиб, ташкилий жиҳатларигача — барча жараёнлар аниқ ҳисобга олиниб баён қилинган.

Йиғилишда мазкур ҳужжатни муҳокама қилиш билан биргаликда, 2019 йил февраль ойигача мамлакатимизнинг барча ҳудудида суд раисларининг маҳаллий Кенгашларда ахборот беришини таъминлашга келишиб олинди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, судларнинг бинолар, автотранспорт воситалари, моддий-техника таъминоти борасида қатор вазифалар тўлақонли ҳал этилмаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Комиссия томонидан қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига мазкур Фармон ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар тарафлама чуқур ўрганишлар ўтказиш тавсия қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссиянинг келгусидаги вазифалари ҳам муҳокама этилди. Якунда кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар инобатга олиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш ва бюджетга тушумни кўпайтириш мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар учун қай даражада қулай шарт-шароит яратилгани билан чамбарчас боғлиқ.

Экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхона кўригидан ўтказилмайди

Ўзбекистонда бу борада замонавий бозор механизмларини жорий этиш, экспорт қилиш тартибини соддалаштириш орқали унинг ҳажмини юксалтириш, логистика тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, юртимизда энг кўп экспорт ҳажми бўйича газдан кейинги ўринни мева-сабзавот эгаллаб турибди. Ҳозирги кунда дунёнинг 80 давлатига 180 турдаги мева-сабзавот етказиб берилаётгани ҳам шундан далолатдир.

Ютуқлар ўзимизники. Аммо ана шу муваффақиятлар салмоғини янада орттиришга, жумладан, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини янада кўпайтириш ва турларини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган омиллар ҳам сақланиб қолмоқда.

Айни пайтда хорижга йўналтирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий қисми фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан ёрдамчи хўжаликларда етиштириляпти. Лекин экспортга рухсат бериш билан боғлиқ айрим тартиб-таомиллар уларнинг маҳсулотларини четга сотиш имкониятига салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Мисол учун, жорий йилда етиштирилган аччиқ қалампир, пиёз, саримсоқпиёз, ловия, мош экспорти бўйича муаммолар ҳалигача ўз ечимини топмади. Натижада ушбу маҳсулотларнинг атиги 10 фоизигина четга сотилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 17 октябрдаги "Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришни рағбатлантиришга катта туртки беради.

Ҳужжатга асосан, ортиқча ва эскирган рухсат бериш тартибларини бекор қилиш, шу орқали ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида бир қатор янги қоидалар киритилди.

Хусусан, юридик шахсларга мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан

Депутат фикри

ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга, юридик шахслар мева-сабзавот маҳсулотларини экспортидан тушумларни ўз вақтида таъминламаган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда 100 фоизлик олдиндан тўлов олиш талаблари уларга қўлланган ҳолда ноҳалол мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар реестрига киритилади.

Таъкидлаш керакки, 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига янги мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ҳақини олдиндан 100 фоиз тўлаш шарти билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилишга ҳам рухсат берилган эди. Энг муҳими, бундан буён тадбиркорлик субъектлари улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Қарор билан божхона органлари томонидан экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларини божхона кўригидан ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ечимини топди. Эндиликда бундай маҳсулотлар божхона кўригидан ўтказилмайди.

Бинобарин, тадбиркорлик субъектлари ўзларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектлари қуриш учун енгил конструкцияларни қуриш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш имкониятлари белгиланди.

Яна бир муҳим янгилик: органик қишлоқ хўжалиги бўйича дастлабки қадам ташланди. Яъни мамлакатда "Global GAP", "Halal" ва "Organic" стандартлари талабларига мувофиқ, мева-сабзавот етиштирувчи маҳаллий корхоналарни сертификатлаш бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг турлари, ҳажми, суммаси ва етиштириш ҳудудлари кесими тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, экспорт жараёнининг барча босқичини реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот портали ишлаб чиқилади.

Хулоса шуки, ушбу тарихий ҳужжат ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иш шароитларини яхшилаш ҳамда мамлакат ташқи савдо салоҳиятини юқори поғонага олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлади.

Ислом ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ЭНДИ ТАБИБЛАР ЛИЦЕНЗИЯ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Кўпчилик юртдошларимиз хасталигига даво топиш илинжида бир маротаба бўлса-да, табибга мурожаат қилиши бор гап. Чунки кимёвий усулда тайёрланган дори-дармонлардан кўра, турли табиий гиёҳ ва дамламалар асосида шифо топишни афзал биладиганлар халқимиз орасида жуда кўп.

Табибларнинг аксарияти Ибн Сино бобомиз қолдирган манбаларга мурожаат қилиб, замонавий тиббиёт ожизлик қилган айрим хасталиклар давосини амалда кўрсатиб берса-да, уни тан олмасликка ҳаракат қилинди. Халқ табобатини замонавий тиббиётга уйғунлаштириш масалаларига эътибор қаратилмади.

Ҳатто "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунда ҳам халқ табобатига алоқадор нормалар киритилмади. Табибларни тиббиётнинг илғор ютуқлари билан таништириш, ўқитиш, ўзаро тажриба алмашиш, қисқаси, икки йўналишни уйғунлаштирувчи тамойил ишламади. Ваҳолонки, турли дориворлару ноанъанавий усулларда иш юритаётган табибларнинг сони 30 мингдан ошиб кетди. Республикадаги мавжуд 4253 та хусусий тиббиёт муассасасининг 516 тасида халқ табобати усуллари кенг қўлланилмоқда.

Бундай тартибсиз вазият айрим уддабурон "табиб"ларнинг одамларни даволаш эмас, балки фирибгарлик билан мўмай пул топишларига ҳам йўл очиб берди. Чунки халқ табобатининг самарасини, улар қўллаётган усулларнинг асл таъсирини ҳеч ким ўрганмади, тиббий назорат ҳам олиб борилмади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шундай муаммоларга ечим топиш, мазкур йўналишда тўпланган тажрибадан унумли ва хавфсиз фойдаланишга қаратилгани билан ғоятда муҳимдир.

Рўзимуҳаммад ХОННАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий тадқиқотчиси:

Хитой, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Ҳиндистон давлатларида халқ табобатининг самарали усулларидан кенг фойдаланилади. Юртимизда эса бу соҳани ва табиблар фаолиятини ҳуқуқий томондан тартибга соладиган норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган эди. Бу эса табиблар ва уларга мурожаат қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини бермасди. Қарор билан бу каби камчиликлар бартараф этилади. Энди халқ табобати бўйича тўпланган бой тажриба ва салоҳият замонавий тиббиётга уйғунлаштирилади. Чунки дунёнинг 130 дан ортиқ давлатларида айнан шундай йўл танланган.

Ҳужжатга кўра, аввало, халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этиладиган бўлди. Унда халқ табобатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Чунончи, соҳа ижобий ютуқларини замонавий тиббиётга интеграция қилиш, мазкур йўналишда етакчи маҳаллий ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш, халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда, тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талаблар, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли орган этиб белгиланди.

Элмира БОСИТХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:

— Президент томонидан имзоланган ушбу қарор тарихий аҳамиятга эга. Чунки охирги 100 йил давомида халқимиз халқ табобатидан баҳраманд бўлиб келаётган бўлса-да, шу вақтга қадар бу соҳа қонундан ташқарида эди. Энди халқ табобати соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишни назарда тутувчи меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилади, ушбу йўналиш нафақат фан сифатида, балки амалий тиббиёт ривожида, аҳоли саломатлигини тиклашда ҳам катта ҳисса қўшади.



Ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантириш бўйича устувор чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Шунингдек, эндиликда халқ табобати хизматларини кўрсатувчиларни ўқитиш, уларга замонавий тиббиётдаги ташхис ва даволаш муолажаларини тўлиқ қўллай олишлари учун республикадаги тиббиёт олий ўқув юртларининг "Даволаш иши", "Педиатрия иши", "Тиббий-педагогика иши" бакалавриат йўналишларидаги ўқув дастурларига халқ табобати бўйича махсус ўқув цикли жорий этилади. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида эса халқ табобати кафедраси ва "Халқ табобати" йўналиши бўйича малака ошириш курслари ташкил қилинади.

Бундан буён халқ табобати билан шуғулланувчи шахслар ва шундай хизматни кўрсатувчи тиббиёт муассасалари махсус лицензия асосида фаолиятни амалга оширади. Халқ табобати усулларини қўллаш билан шуғулланаётган мутахассис ва ташкилотлар бўйича ягона ахборот базаси яратилади. Ушбу базага лицензия асосида фаолият олиб бораётган табиблар, халқ табобати усулида иш юритаётган даволаш муассасалари ҳақидаги барча маълумотлар жойлаштириб борилади.

Умуман айтганда, асрлар давомида ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган халқ табобати усуллари эндиликда замонавий тиббиёт билан уйғун ҳолда тараққий этадиган бўлди. Бу халқ саломатлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

ҲАММА ИШНИ КОМБАЙН БАЖАРАДИ

1

Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринда турувчи АҚШнинг машҳур “John Deere” корпорациясида ишлаб чиқарилаётган пахта териш комбайнларининг сўнгги авлоди — юқори самарадор “John Deere CP 690” комбайнлари Андижон, Наманган ва Хоразм вилоятларига келтирилиб, илк бор юртимиздаги йиғим-терим мавсумига жалб қилинди. Мамлакат пахтачилик соҳаси учун мутлақо янги бўлган ва Президент ташаббуси билан 20 та туманда ташкил этилган пахта етиштириш кластерларидан бир нечтасида ушбу замонавий машиналардан фойдаланилмоқда. Бу эса пахтанинг узлуксиз теримини ташкил этиш ва ҳосилни одатдагидан бир ҳафта эртароқ йиғиб олиш имконини беради.

Таъкидлаш жоиз, бу лойиҳа Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 15 — 17 май кунлари АҚШга расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтган музокаралардаги муҳим келишувлар, қолаверса, 2017 йил 20 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган ва АҚШнинг етакчи компаниялари билан тузилган 2,6 миллиард долларлик келишувлар натижасида рўёбга чиқарилмоқда. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берган мазкур учрашувлар ва музокараларда нефть-газ, нефть-кимё, электротехника, фуқаро авиацияси, машинасозлик, аграр соҳаларда бир неча муҳим қўшма лойиҳаларни амалга ошириш белгилаб берилганди.

Улар орасида “John Deere” корпорацияси билан имзоланган йирик шартномалар соҳада сўнгги йилларда улкан ислоҳотлар бошланган республикамиз учун муваффақиятли ва муҳим келишув сифатида баҳоланди.

“John Deere CP 690” пахта териш комбайнлари ўз тоифасида дунёдаги энг кучли машиналар саналади. 13,5 литр сиғимга ва 560 от кучига эга бўлган турбосовиткичли двигатель тўрттала ғилдиракни бир вақтда ишлатиш ва бошқа комбайнлар эриша олмайдиган 7 км/соат тезликда исталган шароитда ҳаракатланишни таъминлайди.

Андижон вилоятидаги “Khantex Group” МЧЖ мутахассислари кластер таркибидаги “Қуёшли ўлка” фермер хўжалиги далаларида ушбу бақувват машинани синовдан ўтказдилар.

— Бир неча хорижий мамлакатлардаги ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдик, — дейди “Khantex Group” МЧЖ таъсисчиси Зокиржон Набижонов. — Германия, Бельгия, Швециядан илғор йигирув ва тикув ускуналари, АҚШдан қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олдик. Шу кунларда кластер таркибида ип йигирув фабрикасини ишга туширмоқчимиз, кейин эса тўқув цехи фаолият бошлайди.

2019 йилнинг биринчи чорагида бўёқ фабрикаси, иккинчи чоракда эса тикув фабрикасини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Шу тариқа, Президентимиз томонидан илгари сурилган ғоя — пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш жараёнини тўла қамраб олувчи кластер амалда рўёбга чиқади. Ушбу юқори технологик машиналардан фойдаланиш “Khantex Group”, “Uztex” сингари республикада янги ташкил қилинган замонавий кластерларга иш ҳажми ва ёқилғи сарфини тежаш имконини бергани ҳисоб-китобларда тасдиқланмоқда. Терилаётган пахтанинг думалоқ шаклда ғарамланиши эса вақтдан ютиш билан бирга, бебаҳо хом ашёнинг далада ҳам, сақлаш омборларида ҳам тўкилмаслигини таъминлайди. Хом ашё нест-нобуд бўлишининг олди олинади. Бу инновацион ечим пахтани қайта ишлаш жараёнида тозаловчилар жамоасига ҳам эҳтиёж қолдирмайди.

Беш рулон плёнкани сиғдира оладиган комбайннинг ғарамлаш блоки терим давомида 120 тагача бунтни, юқорида таърифланганидек, думалоқ шаклда қадоқлаш қувватига эга. Уларни тўплаш, юк машиналарига ортиш ва тушириш, омборларга жойлаш учун махсус мосламалар ҳам компания томонидан етказиб берилди.

“John Deere CP 690” пахта терим комбайнининг яна бир ўзига хос жиҳати унда ишловчи механизатор учун яратилган шароитларда намоён бўлади. Машинанинг барча қулайлиги муҳайё қилинган кабинасида “ClimaTrak” ҳароратни бошқариш автоматик тизимидан тортиб бутун жараённи кузатиш ва бошқаришни таъминловчи “Command Center” дисплейигача мавжуд. Оператор ушбу ускуна ёрдамида машина тезлиги, ҳолати, функциялари, қадоқлаш жараёнини мувофиқлаштириб боради. Терим қурилмаси баландлигини электрон равишда бошқариш орқали эса ҳатто энг пастда очилган чаноқдаги пахталарни ҳам йиғиштириб олиш мумкин.

Комбайннинг яна бир инновацион жиҳати ҳақида тўхталмай илож йўқ. Бу “John Deere” машиналарининг сўнгги моделларида ўрнатилаётган кузатиш тизими бўлиб, иккита камера ёрдамида узлуксиз равишда дисплейга узатилаётган тасвирлар операторга терим ҳолатини тўлақонли назорат қилиш имконини беради. Машинанинг дастурий таъминоти операторга даладаги ҳосил миқдори, ҳосилдорлик харитасини акс эттиради. Бу эса аниқ мониторинг асосида тўғри қарорлар қабул қилинишини таъминлайди.

Дарвоқе, қадоқланган ғарамлар автоматик равишда рақамланади ҳамда дисплей хотирасида қайд қилиб борилади. “John Deere” корпорацияси мутахассисларининг билдиришича, уларни омборларга, ҳатто пахтани қайта ишлаш заводига етиб боргунигача ҳам кузатиб туриш мумкин.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Энг муҳими, “John Deere” комбайнлари Ўзбекистон пахта саноати учун янгилик бўлган кластер тизимидаги бирламчи босқич — пахта ҳосилини йиғиб олиш жараёнига инновацион технологияларни олиб кириш, шу асосда пахтакорларимизнинг бир йиллик машаққатли меҳнати натижаси бўлган “оқ олтин”нинг олий сифатини сақлаган ҳолда қайта ишлаш манзилларига етказишда фермернинг беминнат ёрдамчисига айланади.

Муҳаммадали УМАРОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Банк иши кафедраси: доцент, кафедра катта ўқитувчиси;
Молия кафедраси: кафедра мудири;
Инвестициялар кафедраси: доцент;
Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси: профессор;
Чет тиллари кафедраси: катта ўқитувчи.

Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи) номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари ва илмий марказларида таҳсил олган (стажировка ўтаган ёки малака оширган) ҳамда илғор хорижий таълим стандартлари ва технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инглиз тилидан педагогик ва илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ҳамда амалий муаммолари ва ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда профессор илмий унвонига ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс қатнашиши мумкин.

Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга) ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий тадқиқот ҳамда ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
1. Ректор номига ариза;
2. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Дипломлар ва аттестатлар нусхалари;
4. Илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
5. Малака оширганлик тўғрисидаги гувоҳномалар.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.
Маълумот учун телефонлар: 71-237-54-53, 71-237-53-61, 71-237-54-09.

926J/458

амкодор САЛЕО АМКОДОР - СЕМАШ

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар | МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар | занжирли ва ғилдиракли юришдаги экскаваторлар | санчқили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар | гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail:amkodortashkent@mail.ru,www.amkodor.uz,www.amkodor.by

708/879

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «Фарғонагаз» филиали

тижорат таклифларини қабул қилади

«Фарғонагаз» филиалининг Учкўприк ва Қува туманларида жойлашган газ тўлдириш шохобчаларидаги мавжуд суюлтирилган газ сиғимларини «Гидравлик синов»дан ўтказиш бўйича танлов эълон қилинади.

Юқоридаги фаолият тури билан шуғулланувчи, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўз тижорат таклифлари билан мурожаат қилиши мумкин.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй. Телефон: 73-229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

921J/172

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Халқ сўзи» газетасининг 2018 йил 23 октябрдаги 219-сонида чоп этилган «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ эълонидаги 4-хатбоши қуйидаги таҳрирда ўқилсин: «Танловда харид қилинаётган қурилмаларни ишлаб чиқариш ва/ёки етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий фирмалар ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин».

Хизматлар лицензияланган.

919J/265

ООО «Butlash Garant Servis»

предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетоносмеситель гравитационный МС-200

Технические характеристики: МС-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетоносмеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики: СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А.
Телефоны: 97 760-86-00, 90 370-86-86.

527A/312

«ELXOLDING»

ЭLXOLDING ЭLDOSH

ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛЛАР

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА ВА КРЕДИТГА.

Тел.: 93-330-50-00, 71-239-12-54.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

660K/324

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 063 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6